

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
1 апрель
ДУШАНБА
№ 27 (12559)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Иқтисодиёт



Даврон АҲМАД олган сурат.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда кимё саноатини ривожлантириш, тармоқ корхоналарини техник ва технология жиҳатдан янгилаш, уларнинг қувватларидан оқилона фойдаланиш ва энергия тежайдиған, экологик

хавфсиз технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган, импорт ўрнини босадиган рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

риш цехларидаги насослар янгилади. Аммиак ишлаб чиқариш цехини бошқариш автоматлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2010 йил 16 апрелдаги "Максам-Чирчиқ" ОАЖда зичлиги паст аммоний нитрат (говак селитра) ишлаб чиқаришни ташкил этиш" инвестиция лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштиришга оид қарори ижроси доирасида ўтган йили корхонада говак селитра ишлаб чиқариш цехи қурилиб, ишга туширилди.

Ўттиз икки нафар кишини доимий иш билан таъминлаш имконини берган лойиҳа чет эл инвестициялари ҳисобига амалга оширилди. Янги цехнинг йил-

лик ишлаб чиқариш қуввати 60 минг тоннани ташкил этади. Бу ерда тайёрланаётган говак селитра-нинг 55 минг тоннасини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда корхонада карбамид, аммиак селитраси, турли кислоталар, кимёвий реагентлар сингари қирқ хилдан ортиқ минерал ўғит ва кимёвий маҳсулотлар тайёрланмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида сульфат мағний, сульфат калий, фосфомолевина сингари янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастурил-амал бўлмоқда.

"Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси тизимида, жумладан, "Максам-Чирчиқ" очик акциядорлик жамиятида ушбу қарор ижроси юзасидан

муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жамиятнинг бир қатор цехларида модернизация ва реконструкция ишлари бажарилди. Хусусан, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш цехларининг замон талабига жавоб бермайдиган хаво автоматикаси ёрдамида ишловчи назорат-ўлчов асбоб ва қурилмалари алмаштирилди. Карбамид цехида технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизими жорий этилди. Замонавий сув инжекторлари, буғлатгичлар, сепараторлар, тозалаш иншооти ускуна-

ри ўрнатилди.

Бу борадаги ишлар якунига етган, мазкур цехнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 235 мингдан 270 минг тоннага, карбамид экспортга эса 110 мингдан 170 минг тоннага етди.

Ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш дастури бўйича "Максам-Чирчиқ"ни электр энергия билан таъминловчи трансформаторларга энергия тежовчи ускуналар ўрнатилди. Шунингдек, буғ таъминоти цехидаги иситиш қозонларининг эскирган жиҳозлари, ишлаб чиқ-

Тошкент вилояти ҳокимининг қарори

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXIV СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ Тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:
Халқ депутатлари вилоят Кенгаши-нинг XXIV сессияси 2013 йилнинг 1

апрель кунини соат 17.00 да вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида куйидаги кун тартибидеда чақирилсин:

1. Ташкилий масала.

Вилоят ҳокими **Р. ХОЛМАТОВ**.
Тошкент шаҳри, 2013 йил 29 март.

Боғдорчилик

ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2008 йил 20 октябрда имзоланган "Ўзиқ-овқат экинлари экилаётган

майdonларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари юртимизда мева-сабзавот етиштириш, уни қайта ишлаш, экспорт имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шундай эътибор самарасида кейинги йилларда мамлакатимизда мева етиштириш 10, узум етиштириш 11 фоиз кўпайиб, бозорларимиз тўқинлиги таъминланмоқда. Ўтган йили 2 миллион 52 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, уларнинг экспорт ҳажми сезиларли даражада ошди.

Бугун юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб

Амирликлари, Жанубий Корея, Туркия ва МДҲ мамлакатларига кенг экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2012 йилда 110 минг тонна мева, 119 минг тонна узум хорижий харидорларга етказиб берилди.

Мева ҳамда узумдан мўл ҳосил етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажминини ошириш, аввало, серхосил дарах турларини кўпайтиришга боғлиқ. Айни пайтда мамлакатимизда 244 минг гектар боғ ҳамда 127 минг гектар тоқор мавжуд. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув

ҳўжалиги вазириликдан маълум қилишларича, бундай майdonларни янада кенгайтириш учун жорий йилда қарийб олти минг гектарда янги боғ, беш ярим минг гектардан ортиқ майdonда тоқорлар яратиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиқларига қарийб ўн саккиз миллион тўлдан зиёд мевали дарах ва тоқ кўчатлари етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

Давра суҳбати

МЕДИА-БОЗОР ЗАМОНГА БОҚАДИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида "Ислоҳотлар замирида миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини тақомиллаштириш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда етакчи даврий нашрлар бош муҳаррирлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқа тегишли жамоат ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Суҳбат давомида миллий медиа-бозорни замонавий технологиялар билан таъминлаш, даврий нашрларни чоп этишда замонавий полиграфик технологиялардан фойдаланиш, босма нашр веб-версиялари фаолияти, матбуот материалларининг интернет-журналистика талабларига мослаштириш бўйича бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Асосий эътибор таҳририятнинг кадрлар сиёсати ҳамда нашрни ма-

лакали журналистлар билан таъминлашнинг устувор йўналишларига қаратилди.

Бундан ташқари, маърузачилар давра суҳбати иштирокчиларига ахборот соҳасини ривожлантириш бўйича 2013 йилга белги-ланган грант лойиҳалар ҳақида маълумот бердилар. Тадбирда турли етакчи ва ихтисослашган институтлар 2013 йилда журналист ҳамда матбуот хизматлари вакиллари билан малака ва ижодий муҳоратини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ва бошқа тадбирлар ўтказиши маълум қилинди.

Раъшан НЕҒМАТОВ.

Кўчат эк, боғ ярат

ЭЗГУ НИЯТ МУКОФОТИ

Хорун ар-Рашид мулозимлари билан бораётиб, яйдоқ бир ерда энг шимариб кетмон чапаётган чолга кўзи тушибди. Оппоқ соқоли, оқ яқтаки қария набираси кўмагида кўчат ўтказётган экан. Хорун ар-Рашид чолнинг чапастлиги, ёшлардай серғайратлигини завқланиб, отдан тушибди-да, шериклари билан унга ақинлашиб, "Отахон, нималар қил ётибсиз, шу ёшдаям тинмас экансиз-да", дея ҳазиломуз гап қотибди.

— Бу ерлар, болам, ташландик чакалзор эди, — дебди чол қаддини ростлаб. — Эрта баҳорда кундак қилдим, тозаладим. Ниятим — шу ерларни боғ қилиш.

— Яшанг, ота, — дебди подшо мамнун бўлиб. — Бу ишларингиз маъқул, лекин битта нарса сўрайман, кўнглингизга олмайсиз. Энди бу кўчатлар қачон кўкариб, қачон ҳосилга кирди. Унинг меваларини демишга умрингиз етармикин?

— Хар ҳолда етмаса керак, — дебди чол кулимсираб. — Тагин Оллоҳ билгучидир.

— Бўлмаса, нега бунчалик жон қойитиб ётибсиз? — Кўринишинг айтиб турибди, — дебди қария унга синовчан тикилиб, — хойнаҳой юртинг каттаси бўлсанг керак... Сенга

нима десам экан, биздан олдингилар экишди, мевасини биз едик. Энди биз экамиз, биздан кейингилар есин, — дея набирасининг бошини силаб кўйибди.

Хорун ар-Рашид бу жавобдан миннатдор бўлиб, кўйнидан бир ҳамён тилла чиқариб, чолга узатибди: — Сизга мукофот, ниятингиз пок экан.

Шунда чол дуога қўл очиб: — Ўзингга шукр, Огам, қудрати олийинг шарофати билан экан дарахларим ҳали ниҳоллигидаёқ мева берди, — дебди. Чолнинг бу шукрона дуосидан подшо баттар завқланиб кетибди-да, кўйнидан яна бир ҳамён чиқарибди: — Буням олинг, отахон! — дебди.

(Давоми 4-бетда).

Белбоғли кураш

Шууримиздан доимо галаба овози кезади. Хуррият тонигдан масрур жисимизга сигмай ёш бола каби югураемиз. Туйғулардан туйғуларга, ойлардан ойларга сакраб, қирдан тоғга, ҳашамлардан тўйларга етамиз. Шу фурсат у ёнда кўпқари чапаётган, бу ёнда кураш тушаётган полвонларга нигоҳимиз оғади. Улар сиймосида Ватанимиз, юртдошларимиз, ори ва гурури учун курашаётган алқомат азаматларни кўраемиз. Қувонамиз. Белида белбоғи бор йигитлар, дея беармон ўйлаймиз. Дарвоқе, белбоғ... Халқимизда белбоғ билан боғлиқ турфа манзаралар олис-олис замоналардан ўтиб, яшаб келмоқда. Шу зайл энди дўппини бир ёнга қўйиб, белбоғ ҳақида ўй сурсак, қандай яхши!

Дастлаб чақалоқни бешикка белаша уни белбоғ билан маҳкам ўрайдилар. Сўнгра тўй ё маросимларда, албатта, мехмону мезбонлар қамишдан эмас, ундан фойдаланишади. Кадрдонимизга тўн ёпиб, дўппи кийгизсак, албатта, белига белбоғ ҳам боғланади. Келинларимиз сепида уни кўллаб учратамиз ва ҳоказо давомли манзараларни ўтириб олиб санаш мумкин. Ўзбек миллий кураш турларидан бири —

ОНА ЕРДАН КУЧ ОЛГАН ҚУДРАТ

Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси мазкур спорт турини тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолади

Белбоғли кураш ҳам шулар сафидедал фалсафийлик касб этади.

Ўтмиш ва бугун сўйласа...

Минг-минг йиллар нарида шу тупроқ моҳиятан ўзга тўт олмаган. Ундан таралётган буржирок иффор қалбларга хузуур, фитратимизга сокинлик бағишлайвермоқда. Она ердан куч олиб гурқираётган жамики жон-зот яхши биледи: ер тафти унга куч ва қудрат бахш этади. Шу каби белбоғли кураш ҳам кўп асрлардан бери оёғини ерга маҳкам босган полвонлар саботида камол топиб, яшамоқда.

Агар билсак, ўзбек халқининг миллий курашларидан бири — белбоғли кураш узок ўтмиш тарихга эга бўлиб, миллий урф-одатлар ва аънагаларимизнинг асл шакл-шамойилини ўзида мужассам этган спорт турларидан бири ҳисобланади.

Ушбу спорт турида икки рақиб бир бирининг белбоғидан ушлаган ҳолда,

чалши усулини қўлламасдан курашади. Белбоғли кураш қадимдан Фарғона vodiysi, Тошкент, Сирдарё вилоятларида, Тошкент шаҳрида ва бошқа ҳудудларда байрам, халқ сайиллари, тўй-маросимларнинг энг қизиқарли ҳодисаси бўлиб келган. Сизу биз хўп биламизки, одатда энг тарий маросимларда эл ардоғидаги йигитларимиз нафақат жисмоний голиблик учун, балки, оқибатда юрти, қишлоғи шаъни учун белига белбоғ боғлашади. Улар наздида кураш майдони зўр орият кенгликларидир. Шу боис, ҳар бир ота-она ўз фарзандини полвон, баҳодир ва ботир бўлиб ўлгайишини истайди. Ният ва тарбия ҳам шунга яраша бўлади.

— Мустақиллик йилларида муштарам Президентимиз раҳнамолигида миллий спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди, — дейди Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси раиси,

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутати Раъшан Дастиров. — Хусусан, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор қарор ва Давлат дастурларида спортни ривожлантириш борасидаги вазифалар, ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ҳозир биз гувоҳи бўлиб турганимиз — фахр этгулик натижаларнинг махсули сифатида бўлмоқда.

Бугун белбоғли кураш миллий спорт тури сифатида тобора ривожланиш палласида. Эътиборли жиҳатлардан бири шунки, белбоғли кураш мамлакатимизда аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Универсиада, "Баркамол авлод" ва "Умид ниҳоллари" каби уч босқичли спорт мусобақалари дастурларидан кенг ўрин олди. Шунингдек, мактаблар, ўрта махсус ва касб хунар, олий

таълим муассасаларида белбоғли кураш бўйича бўлимлар очилиб, бу борада мустақкам захира ва етакчи мутахассис кадрлар яратиш тизими йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Белбоғли кураш федерациясининг эътиборга молик фаолиятларидан яна бири — бу аънавий тарзда хотира турнирларини ташкил этиб бораётганида намён бўлади. Қолаверса, фахрий спортчилар ўртасида ҳам Республика келинади. Бу каби мусобақалар, айниқса, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида, Тошкент вилоятининг Паркент ва Пискент туманларида кенг миқёсда бўлиб ўтади.

Бундан ташқари, мазкур спорт турини тарғиб этиш мақсадида федерация Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Полвонлар энциклопедияси жамияти ҳамда "Турон" (Венгрия)

халқаро фонди билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаган. Бу каби ўзаро фойдали алоқалар эса йилдан-йилга оммалашиб бораётган белбоғли кураш истиқболи учун хизмат қилмоқда. Хусусан, "Турон" халқаро фонди билан имзоланган меморандумга асосан Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси полвонлари 2014 йилда Венгрияда бўладиган фонднинг навбатдаги қурултойида кўргазмали чиқишлари билан иштирок этишади. Бу эса ўз навбатида миллий спортимизнинг жаҳон ареналарида оммалашшига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, 2002 йил 1 февралда ташкил этилган Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси ўтган вақт мобайлида бу спорт турини дунё миқёсида оммалаштиришда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда эътиборга молик натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, белбоғли кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпионлари ҳамда халқаро турнирларда полвонларимиз мубофакатли иштирок этиб, Ватанимиз байроғини жаҳон узра баланд кўтариб, қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Буюк Ипак йўли... "Цивилизация" дея аталмиш улкан тирик тананинг катта қон томири. Савадо, ижтимоий, маданий, маънавий, ҳаётий яхшият тизим. У турли соҳа илм-фани ва инсоният анъаналари шакл-

ланиши ва кенг тармоқ отишига мустаҳкам манба бўлиб хизмат қилган. Бироқ, аввало, халқлар ўртасида, меҳр-муҳаббат, ишонч тилида сўзлашиш имконини берган.

бўлиши. Улар Бешбоғ деб ата-луви она шаҳарлари ҳимоясида мардона туришди. Бироқ жангчиларнинг мадори қуриди. Эраклар деярли қирилиб бит-

ибодат қилишди. Кун ботиб, тун бошланганда эса, ой ва юлдузларга қараб, ибодатни давом эттиришди. Она шаҳримизни асраб қолиш учун жонларини

ўчирди. Босқинчиларнинг янги-янги тўдалари пайдо бўлиб, шаҳар сари келавришди. Бироқ ҳар сафар аввалгисидан ҳам кучлироқ бўрон уларни учирди.

обдон тинкаси қуриган одамларни қутқариб қолди. Кексаларнинг ҳикоя қилишлари, уша халоскор қирқ қиз оқ қушларга айланиб, қирқ бўрон билан учиб кетишади. Бироқ, ҳар сафар шаҳарга хавф-хатар таҳдид солганда, қирқ бўрон уни ўраб олиб, самода оқ қушлар айланиб парвоз қиларкан...

ҚИРҚБҮРОН ЙҮЛМАРИДА

Ушбу боқий йўлларда тижоратчи ва усталар, олим ва шоирлар, санъаткор ва мусиқачилар, авлиё ва дарвешлар тинимсиз ҳаракатда бўлишган. Ушбу узундан-узук яхлит тизимдаги йўллар бир-бири билан айқаш-уйқаш бўлиб, йўқолиб кетган ва янгилари пайдо бўлган. Сув бор жойда йўллар ҳам вужудга келаверган. Аммо, Инсоният тараққиёти харитасидан бошқа талайгина кўпоиллик, кўпқунлик сувсиз йўллар ҳам жой эгаллаган.

га дахлдор. Демак, унинг юраги тунда, қалби пок, зеро, бундай қалб Аждодлар хотирасидан куч олади. Биз яқинда муқаддас қадам-жо – Қўшдарё яқинидаги Қирқбўрон тарихий жойи ҳақида ҳикоя қилиб берган эдик. Ушунда шу қадамжого қараётган, ажайиб гуллар ўстираётган Бахтиёр исмли йигитни тилга олгандик. Юқори Чирчиқ туманига қарашли бу ҳудудларда тарихий жойлар оз эмас. Қизилсой ва Қорасув дарёлари бир-бирига қўшилинадиган жойда маҳаллий аҳоли Наврўз байрамини нишонлаб келади. Қўламининг тансиқ таомлари – ҳалим ва сумалак пиширишади.

ўнлаб километр масофаларга "сочилюб" кетган. XX асрнинг ўрталарига келиб бу томонлардаги кўплаб қабрлар рўйхатга олиниб, ҳисобга киритилди. Бу ерда ўзбек археологлари ва География институтининг Тошкент геоморфологик отряди ходимлари иш-лашди. 1940 йилда бу жойдаги қўрғонларга А. И. Тереножин аниқлик киритди. 1953 йилда бу ердаги қазиш ишларига М. И. Филанович ва М. К. Пачос раҳбарлик қилишди. Бир қатор ёдгорликлар эрамининг X-XII асрига тааллуқли экани аниқланди.



Қадимий қалъа қолдиқлари топилган Қирқбўрон қўна шаҳрида археологлар ҳар хил идишлар ҳамда ҳайвон – буқа ва қўчқор каллалари ақс этган ҳайкалчалар қазиб олишди. Қўрғонлардан бирининг остиде катакомба тизими борлиги маълум бўлди. Унда қурол-яроғ қисмлари, темир камар, ҳарбий кийим намуналари топилди.

Шунингдек, фукароларнинг паспорт-виза қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда Олмалик, Ангрэн, Чирчиқ шаҳарлари ва Оҳангарон, Қабрай, Бўстонлик туманларда "Паспорт-виза" профилактик тадбири ўтказилди.

Ташлайверди. Душман тўдалари бу табиий қучга бас келолмади. Қудратли бўрон уларнинг кўзларини очирмай, худди ўйинчоқ каби чор-атрофга сочиб юборди. Душман яқсон қилинди. Қирқ қиз она шаҳрини, чор-ночор, оч-яланғоч, ташналик азобидан

Ушундан буён бир неча қисмдан иборат улкан тепаликни Қирқбўрон ва унинг яқинидаги чорғок тепаликни Қирққиз деб аташга одатланишди. Кейинчалик унинг ёнида вужудга келган қишлоқни Бешбой деб аташди. Унинг бошқа номи ҳам бор – Бешбоғ.

Аммо, буниси муҳим эмас. Бу номга бойлар ёки боғ сабаб бўлгани, аҳамияти йўқ. Муҳими, анъаналарнинг боқийлигида, яхшилик ва меҳр-оқибатнинг, жасрат ва сахийликнинг, она заминга садоқатнинг давомийлигида.

Замондошларимиз кўпсонли автомобиль йўллари бўйлаб автоуловларда ва пиеда келишяпти. Буюк Ипак йўллари орқали қадам ранжиде қилишяпти. Улар ҳаёт инъомлари ва тақдир шамоллари, ўзлари ва она заминлари тақдирдан мамнунлар. Ватан шамоли ширин ва ўтли, қудратли ва совуқ. Шамол – янгилашлар, улкан ва нурилоқ воқеликлар рамзи. У бизга Буюк тарихимиз садоларини етказиб туради. Катта Тарихнинг кичкинагина бўлаги бўлган Қирқбўрон ҳам шундай. Биз унинг қанотларида келажгимиз сари парвоз қиламиз.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси.

Турли томонларга таралган узун-қисқа автомобиль йўллари Инсоният тараққиётининг ноёб тизимини ақс эттиради. Ушбу йўллар ёқасида қадимий деворлар, юзлаб асрларга тенг дош кўна қишлоқлар энди қамдан-кам учрайди. Бугунги ҳаётнинг жушқин нафаси таъсирида ҳамма нарса жадал ўзариб бораёпти. Бироқ ўтмиш хотирасининг ёқимли ва боқий мусиқаси садолари ҳамон юракларимизда ақс-садо бермоқда.

Минг йиллар бурун бу ерда турли қабилалар вакиллари бўлиши ёш жангчиларнинг қони тўкилган. Ва, ниҳоят, урушлар тугагач, кейинчалик шу ерда яшаган одамлар ўша яраш-яраш пайтида қабилалар етакчилари қилган қасамбёга садоқатни асрадилар. Ҳозир бу ерларда тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон. Шунинг учун сув сероб, ҳосил мўл. Узоқ ўтмиш воқеа-ҳодисаларини эса мўъжиза туйғули сақлаиб қолган қўна қўрғон харобалари ҳамон ёдга солиб туради. Бу қадимий қўрғонлар

...Бу ерда узоқ кунлар-тунлар уруш тинимсиз давом этди. Кўплаб ёш жангчилар қурбон

ди. Душман фақат аёллар, кексалар ва болалар қолган шаҳарга остонасига яқинлашди. Қудуқларни тулпор билан тўлдирди, сувга элтвучи ягона йўлни ҳам беркитди.

Шундан сўнг бўрон янада кучайиб, душманнинг унини

фидо қилишга ҳам тайёр эканларини айтишиб, қасамбёд қилишди. Ва мўъжиза юз берди. Бирдан қучли шамол кўзалди, зум ўтмай у бўронга айланди. Бўрон тўғри душман сари юзланиб, уларни чирпирак қила кетди. Шундан сўнг бўрон янада кучайиб, душманнинг унини

2013 йил – Обод турмуш йили

СОҒЛОМ ОИЛА – ФАРОВОН ҲАЁТ НЕГИЗИ

Биз йилдан-йилга обрў-эътибори ва куч-қудрати ортиб бораётган, порлоқ истиқбол йўлида дадил қадам ташлаётган келажаги буюк юртининг бахтиёр фарзандларимиз Халқимизнинг эзгу истаklarини амалга ошириш масъулияти эртанги кун эгалари – ёшлар зиммасида.

Ота-оналар, устозлар ҳамда жамиятнинг бурчи эса ёшларимизни билимли, соғлом, интеллектуал салоҳиятли, етук ва комил инсонлар этиб тарбиялашдан иборат.

эътибор берилди. Ортбошимизнинг "Юксак маънавият – энгилмас куч" асариде ҳам бу ўз ифодасини топанган: "Мухтасар айтганда, ҳаммага аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир".

расида бўлимимиз белгилаган режа асосида тумандаги 7 та касб-хунар коллежиде "Ёш оила қурувчилар мактаби" ўқув-масгулотлари ўтказиб, ёшларга никоҳ тузиш шартлари, унга монелик қиладиган ҳолатлар, оиладаги тарбиявий, маънавий, иқтисодий ва бошқа муносабатлар ҳақида кенг тушунчалар бериб боради. "Оила дорилфунуни" масгулотлари эса бевосита оила қурувчи ёшлар – келин-куёвлар иштирокиде ташкил этилиб, унда оилада эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, репродуктив саломатлик, соғлом оила нишакллантириш, соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича сўхбатлар ўтказилмоқда.

ҲУШЁРЛИК – ҲАМИША КЕРАК



Бугунги кунда ходимларнинг касбий ва жанговар шайлиги билан бирга юксак маънавиятлари ҳам соҳа ходимлари зиммасидаги масъулиятли ва шарафли вазифани ундашда беш омилардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Вилоят ИИБ патруль-пост хизмати батальониде мунтазам ўтказилаётган маърифат дарсларининг алоҳида аҳамияти бор. Ходимлар ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш ва қонунлардан оғишмай хизмат қилиш учун узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар билан

учрашувлар ўтказиб, уларнинг бой тажрибалари ўрганилмоқда. Батальон ходимлари соҳадаги бошқа хизматлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида "Тозалаш – Антитеррор", "Турмуш", "Тун", "Орият", "Арсеналь" ва паспорт тартиботи бўйича мунтазам ҳамкорликда рейдлар ўтказишмоқда. Бу профилактик тадбирлар сафараси ўлароқ, турли ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда, содир этилган жиноятлар фош бўлаётир. Жумладан, чирчиқлик У. Эргаш жамоат тартиби қоида-

ларини менсимай, ҳеч бир сабабсиз С. Рустамни дўппослаётганида ИИБ ходимлари Н. Туртаев ва Ш. Ашуров уни ушлашди. Чирчиқлик С. Дилнурари эса билан муносабат қилиб, номаълум шахс уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб 650 минг сўмлик буюмларини олиб кетганини маълум қилди. Шу ҳудудда хизмат қилаётган милиционерлар Н. Туртаев, А. Туртаев ва Э. Уринбоев ўғрини вақтида қўлга олишди. Шунингдек, фукароларнинг паспорт-виза қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда Олмалик, Ангрэн, Чирчиқ шаҳарлари ва Оҳангарон, Қабрай, Бўстонлик туманларда "Паспорт-виза" профилактик тадбири ўтказилди. Тадбирда батальон ходимлари фаол иштирок этиб, қоидабузарларга нисбатан маъмурий чоралар кўришди.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ИИБ катта инспектори.

ЯНГИ МАРКАЗ ИШГА ТУШДИ

Бекобод шаҳрида Ёшлар маркази фаолият бошлади. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон халқ шоири М. Тоиров, Бекобод шаҳри ҳокими М. Бухарбулов ва бошқарув мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўғил-қизларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама соғлом, барқарор авлодни вояга етказиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкиллади.

"Ўзбекистон металлургия комбинати" – "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамияти хомийлигида бунёд этилган ушбу марказда ёшлар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Хусусан, маънавий-маърифий тадбирлар ва турли учрашувлар ўтказишга мўлжалланган 308 ўринли зал барпо этилган. Марказ учун ажратилган ҳудудга фаввора, иккита айвон қурилган. Кўплаб мевали ва манзарали дарактлар, гул қўчатлари ўтқазилган. Булар Ёшлар маркази биноси қуркига-қурқўшиб турибди.

– Энди ушбу замонавий бинода фаолиятимизни давом эттирамиз, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бекобод шаҳар кенгаши раиси Адҳам Ниёзов. – Қувончимиз чекисиз, режаларимиз катта. Айни пайтда ёшлар театри жамоасини ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бундай шарт-шароитлар биз, ёшларни янада фаол бўлишга ундайди, айни вақтда зиммамизга катта масъулият юклайди.

Ў.А.

ҲАР БИР БАНД МАСЪУЛИЯТИ

Бекобод тиббиёт коллежи жамоаси 2013 йили ўзгача шукӯх ва янгица ғайрат билан бошлади. "Обод турмуш йили" Давлат дастурига асосан коллеж дастури ишлаб чиқилиб, ҳар бир банди ижросини таъминлаш учун масъулар бириктирилди.

Ўқув масканида айниқса кўчат экишга жиддий киришилди. Ҳозирга қадар 600 туп арча, 450 туп мевали дарахт кўчатлари, 2650 туп тарих ва 1000 тупга яқин турли атиргул кўчатлари экилди. Коллеж ўқувчилари нафақат ўз ўқув бинолари атрофларини, балки шаҳар худудини тозалаш ва тартибга келтиришда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар кучи билан Ф. Гулом кўчасидан

"Фаргона" маҳалласигача, коллеж ёнидаги чорраҳадан "Ёшлик" спорт мажмуасигача бўлган йўлларнинг четлари, лотюклар тозаланди, дарахтларга ишлов берилиб, оқланди. – Йил дастурида кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан бири – коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашдир, – дейди директор вазифасини бажарувчи Дилшод Жалилов. – Шу мақсадда бу йил

ўқишни битираётган 753 ўқувчини ишга жойлаштириш мақсадида даволаш-профилактика муассасалари, корхона ва тадбиркорлик субъектлари билан уч томонлама шартномалар тузилмоқда. Ўқув йили охирида барча битирувчиларини иш билан таъминлашга эришамиз. Қолаверса, коллежимизда икки марта ёш иш ўринлари шаҳар ярмаркаси ўтказилди. Халқ банки ва Микрокредитбанк шаҳар филиаллари билан ҳамкорликда семинар-тренинг ташкил этилди.

Комил МҮМИНОВ.

Олов – тилсиз ёв

ИККИ БАРАВАР КАМАЙДИ

Эл осойишталигини таъминлашда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг муносиб хиссалари бор. 2012 йилнинг биринчи чорагида Бектемир туманида 4 та ёнгин содир бўлган бўлса, бу йил шу даврда 2 тага камайди. Бу туман ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимларининг аҳоли ўртасида олиб бораётган тушунтириш ишлари самарасидир.

Бўлимимизнинг инспекторлари ўтган йили 234 та кўп қаватли ва 3150 та шахсий уйларнинг ёнгинга қарши ҳолатини тўлиқ текшириб чиқишди. Шу билан бирга маҳаллаларда ёнгин хавфсизлиги бўйича тарғибот бурнақлари ташкил этил-

ган. Хонадонларга кириб борган кабель телевидение кўрсатувларида ҳам ёнгинга қарши биригаликда курашининг эҳтиёт чоралари аҳоли эътиборига етказилмоқда. Айниқса, кўп одам тўпланадиган "Қўйлик" улгуржи, деҳқон, ки-

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ, туман ЁХБ инспектори.

Advertisement for 'ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА' (Social Advertising) featuring a list of services and contact information for 'КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!' (Open your future doors!). Services include: 2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди!; Қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ҳар бир фукаро учун янги уй топиш имконияти; Қўлай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда; Замонавий дизайндоғи уйлар; Ҳар бир уй-жой 6 тоғич ер майдонига эса; Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва раван йўлларга эса; Омонатингизни кўпайтириш имконияти; Имтиёзли фоз ставкасида 15 йил мuddатга ипотека кредити; Солиқдан озод қилинган ипотека тўловлари; Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди; Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нарслар сарови.

